

323

323,28

22

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ  
ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ  
КАФОЛАТДИР**

2062154

TATU  
KUTUBXONA

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2004

O'QUV ZALI

*Ушбу рисола Президентимизнинг 2004 йил 29-30 апрелда бўлиб ўтган II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилган «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» номли маърузаси асосида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия қилинган саволларга жавоб тариқасида тайёрланди.*

*Тўпلام Президентимизнинг мазкур нутқини ўрганувчилар учун ёрдамчи материаллар сифатида тавсия қилинади.*

Ушбу материаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси раҳбари котибияти томонидан нашрга тавсия эгилган.

**Тузувчилар:** И.САИФНАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор; Т.КАРИМОВ, А.МУХТОРОВ, фалсафа фанлари номзоди, доцентлар.

**Маъсул муҳаррирлар:**

С.С.ФУЛОМОВ, академик

Э.НАБИЕВ, иқтисод фанлари доктори, профессор

ISBN 5-633-01646-7

© Жамоа. «Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги терроризмга қарши кафолатдир» «Янги аср авлоди», 2004 йил.

## Ж И Р И Ш

*XXI аср инсоният тақдирида ўта муҳим рол ўйнаши кутилмоқда. XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларнинг туб моҳиятини ўзида мужассамлаштираётган ҳодиса бу – кишилик жамиятининг барча соҳаларида юз бераётган глобаллашув жараёнидир. Бир томондан, дунёвий тамойилларга асосланган аксарият кўпчиликнинг хоҳиш-иродаси қонун даражасига кўтарилиб, инсониятнинг муштарак манфаатлари ифодаси тарзида янгича ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизими қарор топаётганлигининг гувоҳи бўлаётган бўлсак, иккинчи томондан эса, тор доирадаги манфаатларнинг ифодаси ўлароқ буй чўзаётган диний, миллий руҳдаги экстремизм, наркобизнес ва халқаро терроризм ҳодисасига тўқнаш келмоқдамиз.*

*Шунингдек, ахборот алмашинувидаги тизгизлашув ва суръатнинг тезлашuvi жараёни содир бўлаётганлиги, бир томондан, жаҳон ҳамжамиятнинг жиспслигини оширишга хизмат қилса, ўз навбатида эса, унинг уюшувига қарши бўлган ижтимоий-сиёсий кучларнинг ҳам жиспслашувига кенг имкониятлар очиб бермоқда.*

*Терроризм ҳодисаси муайян ҳудуд ёки мамлакат доирасида содир бўлиши аслида янгилик эмас. Лекин XX аср бошларида содир бўлаётган террористик хуружлар мазкур ҳодини санинг муайян мамлакат ёхуд минтақа доирасидан чиқиб, халқаро уюшган ташиқлот сифатида шаклланганлигидан дарак беради. Эндиликда халқа-*

ро терроризм ҳодисаси барча мамлакатлар ва халқларнинг эзгу мақсадлар йўлида бирлашиши орқалигина бартаараф этилиши мумкин бўлган глобал муаммога айланмоқда.

Мазкур ёрдамчи материаллар Президент Ислоҳ Каримовнинг 2004 йил 29-30 апрелда бўлиб ўтган II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги «Ватанпарварликнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз қуч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букизмас иродасига боғлиқ» номли маърузаси асосида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия қилинган саволларга жавоб тариқасида тайёрланди.

Саволларга берилган жавоблар имкон қадар Президентимизнинг мазкур нутқи асосида ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Лекин, шу билан бирга, баъзи саволларга апрофлича тўхтаб ўтилиб, бу ноҳуш ҳодисаларнинг тарихий, гоъвий илдизлари тўғрисида фикр юритилди. Айрим саволларга эса жавоб беришда Республикамиз матбуотида чоп этилган газета-журналлар ҳамда махсус ёзилган китобларда берилган материаллардан унумли фойдаланилди. Хусусан, «Ҳизбут-таҳрир» диний-сиёсий партиясига оид тўлиқ маълумотлар З.Ҳусниддиновнинг «Ислоҳ: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар» (Т., «Мовароуннаҳр», 2000.) китобидан олинди.

Шунингдек, айрим саволларга жавоблар эса эркин, мантқиқий таҳлил қилиш орқали шакллантирилди.

Умуман, мазкур ёрдамчи материаллар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, талабаларига тавсия қилиниб, ёшлар онгида диний экстремизм, фундаментализм, халқаро терроризмга қарши муайян илмий-фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади, деб умид қиламиз.

**1. 2004 йилнинг 29-30 март ва 1 апрел кунлари содир этилган террорчилик ҳаракатларининг асл мақсади нималардан иборат эди?**

– «Барчангиз яхши хабардорсиз, – деб таъкидлаган эди, Юртбошимиз ўз нутқида, – шу йилнинг 29-30 март ва 1 апрел кунлари мамлакатимизда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари оқибатида 9 нафар ички ишлар ходими ва 5 нафар фуқаро ҳалок бўлди». (Нутқ, 3-бет).

«Бу ғанимларнинг асл мақсади мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида ривожланишига тўсқинлик қилиш, Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш ва танлаган йўлимиздан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш асосида уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказишдан иборат» (Нутқ, 9-бет).

**2. Ушбу ҳаракатлар кимга ва нимага қарши қаратилган?**

– «Бугун биз ана шу фожиали воқеалар ҳақида гапирар эканмиз, мен учта муҳим масалага эътиборингизни жалб қилишни, буларга жавоб топишни зарур деб биламан, – дея таъкидлаган эди Президентимиз. – Бу ёвуз ҳаракатлар кимга қарши ва нимага қарши қаратилган?» (Нутқ, 6-бет).

Аввалом бор, Бундай ёвуз ҳаракатлар дунёвий тараққиёт йўлини танлаган, фуқароларнинг барча ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган демократик тамойилларнинг мамлакатимизда

кенг жорий этилишига интилаётган барча ижтимоий-сиёсий кучларга қарши қаратилган. Шунингдек, бу йўлда собитқадамлик билан жамиятда чуқур ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг ташаббускорлари бўлган мамлакатимиз раҳбари ва у олиб бораётган сиёсатнинг халқаро аҳамиятини пасайтиришга қаратилган хуружлар деб баҳо бермоқ лозим.

Бизга маълумки, дунёвий тараққиёт биринчи навбатида мантиқ талаблари ва тажриба синовидан ўтган дунёвий билимлар асосида амалга ошади. Бугунги кунда ижтимоий тараққиётни таъминловчи ягона куч дунёвий маърифат эканлигини Президентимиз ўзининг бир қатор асарларида алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Демак, террорчилик хуружларини амалга ошираётган кимсаларнинг туб мақсади ҳам жамиятни дунёвий тараққиёт йўлидан чалғитиб, диний тараққиёт йўлига буриб юборишдан иборатдир.

**3. Уларнинг ижрочилари ва бу ҳаракатларнинг орқасида турган қора ниятли уюшмалар ҳақида нима дея оласиз?**

— Собиқ иттифоқ парчаланиб мамлакатимиз ўз мус-тақиллигини қўлга киритганидан сўнг янги жамиятни барпо этишга эндигина киришилган, лекин ҳали жамиятнинг стратегик мақсадлари, тараққиёт модели шаклланиб улгурмаган бир пайтда минтақа халқларини ўз таъсир доирасига олиш учун халқаро жинойтчи кучлар ва ташкилотларнинг ғоявий таъсир кўрсатиш борасидаги фаолияти кучайиб кетди. Узоқ йиллар мобайнида даҳрийлик мафкураси ҳукмронлиги остида қолган мамлакатимизда эса «Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси»нинг «Виждон эркинлиги»га оид моддалардаги талаблар ҳам эндигина

ҳаётда ўз ифодасини топа бошлаган давр эди. Бундан фойдаланган халқаро диний фундаменталистик ва экстремистик ташкилотларнинг фаолияти ҳам кучайиб мамлакатимиз фуқаролари, айниқса, ёшларни ўз сафларига жалб қилиш учун пул ва маблағни аямасдилар.

Халқаро ислом ташкилотларининг жангари қаноти бўлган қатор фундаменталистик ва экстремистик ташкилотлар дунёнинг аксарият мамлакатларида кенг тарқалган. Шулардан энг кўп таъсир доирасига эга бўлган «Ал-Ихвон ал-Муслимин» (Муслмон биродарлар) ташкилоти ҳозирги пайтда 50 дан ортиқ мамлакатларда фаолият олиб бормоқда. «Жамоат ал-муслимин» (Муслмон жамоалари) ташкилоти турли мамлакатларда ўта радикал кайфиятга эга бўлган ёшларни ўз сафларига бирлаш тирмоқда. Энг ашаддий ислом экстремистик ташкилотлардан «Ал-жиҳод ал-Исломи» уюшмаси ҳозирги пайтда ўзларининг ўта фаол террорчилик ҳаракатлари билан машҳур.

Хавотирли жиҳати шундаки, экстремистик руҳда бўлган ислом фундаменталистларининг сони кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса эндигина мустақилликни қўлга киритиб ўзига хос тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон ва унга қўшни мамлакатлар халқлари тақдири учун жуда катта хавф туғдирмоқда. Бундай жангари ташкилотлар ва уюшмалар Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Масалан, Сирияда «Жанговар авангард», «Ислом озодлик ҳаракати», «Муҳаммад қанотлари», «Аллоҳ аскарлари»; Марокашда «Ислом ёшлар ассоциацияси», «Ислом авангарди», «Ислом уйғониш ассоциацияси»; Тунисда «Ислом ориентацияси» ҳаракати, «Шўро» ислом партияси, «Ислом озодлик партияси»; Мисрда «Ис-

лом гуруҳлари», «Муҳаммад ёшлари», «Муқаддас уруш» ҳамда «Янги муқаддас уруш» ташкилоти ва ҳакозоларни кўрсатиш мумкин.

Айниқса, XX аср охири XXI аср бошларида ўз фаолиятини янада кучайтираётган Ваҳҳобийликни алоҳида қайд қилиб ўтмоқ лозим. Ваҳҳобийлик аслида исломдаги энг ортодоксал оқим бўлиб, унга XVIII асрнинг иккинчи ярмида Арабистон ярим оролидаги Нажд минтақасида истиқомат қилувчи Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб томонидан асос солинган эди. Бу оқимнинг ғоявий асослари бир вақтлар Араб халифалигида да влат мафкурасига айланган мантиқ (ақл) ни ҳақиқатнинг бош мезони деб ҳисобловчи мўтазалийликка қарши муҳолифатда бўлган ва ҳақиқат мезони қилиб эътиқодни изчил ҳимоя қилиб чиққан Аҳмад ибн Ҳанбал (Суннийликдаги Ҳанбалия мазҳабининг асосчиси)нинг қарашлари ҳисобланади. Бундай қарашлар асосида Исломни соф сақлаш ғояси ётади. Исломга киритилган ҳар қандай янгилик – бидъат деб эълон қилинади.

Улар Ҳанафий мазҳабига оид бўлган қоида ва тартибларни бутунлай инкор этиб чиқдилар. Бу таълимот тарафдорлари ҳар қандай мусулмон Аллоҳга бошқа кишиларнинг ёрдами (масалан, пайғамбар, авлиё, шайхлар ва ҳ.к.) сиз, бевосита сажда қилиши керак, деб чиқдилар.

Ваҳҳобийлик мафкурасидан кенг фойдаланган Абдул Азиз ибн Сауд (1880-1953) раҳбарлигида инглизларга қарши 1920 йилда бошланган диний мазмундаги миллий ҳаракат натижасида 1932 йилда ҳозирги Саудия Арабистони давлати ташкил топди. Ҳозирги пайтда Ваҳҳобийлик ғоялари мазкур мамлакатда кенг тарқалган мафкура ҳисобланади. Сўнги пайтларда Саудия Арабистони давлатининг ислом дунёсидаги



обрўйи ва нефтдан келадиган катта маблағнинг кучи ҳисобига бундай мафкуралар Африка, Осиёдаги ислом мамлакатлари орасида кенг тарқалаётганлигини кузатишимиз мумкин. XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида Ваҳҳобийликка сиёсий баҳо бериладиган бўлса, *мазкур диний оқим тарафдорлари ақидасарас-тликка асосланган, ўта жангари кескин ҳаракатлари билан инсониятнинг дунёвий тараққиётига хавф солаётганлигининг гувоҳи бўламиз.* Бундай мафкуралар асосан иқтисодий ва сиёсий таназулга учраган минтақаларда чуқур илдиз отади. Унинг гносеологик илдизи эса дунёни билишдаги илмий-фалсафий идрок даражаси паст бўлган кишилар онгида кенг қулоч ёзади.

Мамлакатимиз ҳаётига тажовуз солаётган мафкуралардан яна бири «Ҳизбут-таҳрир» ташкилоти тарафдорларининг таъсирини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. «Ҳизбут-таҳрир» ҳаракатининг асл муддаоси дунёвий тараққиёт орқали тобора жаҳон ҳамжамияти томон йўналиш олаётган инсониятнинг глобаллашув жараёнидан ислом дунёсини ажратиб олиб, уларга муқобил йўналиш тарзда мусулмон давлатларининг янги халқаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий уюшмасини қарор топдиришдан иборат. Бундай орзу-истакларнинг тарихий андозаси сифатида VII асрларда ташкил топган Араб халифалигини намуна қилиб оладилар. Араб халифалиги турли минтақаларда XI асрда, баъзи бир минтақаларда (масала, Испанияда) то XV асргача давом этган эди (22-саволнинг жавобига қаранг).

Бундай қарашлар га йриилмий бўлиб ҳеч бир мантиқий ёки илмий қимматга эга эмас. Ўрта аср халифалиги асосан ягона эътиқод асосида таркиб топган

бўлса, ҳозирги пайтда инсониятнинг уюшиш жараёни нафақат диний (эътиқод) манфаатлари, балки, шу билан бирга, миллий, минтақавий, сиёсий ва иқтисодий манфаатларнинг муштарак ифодаси сифатида таркиб топаётганлигини алоҳида таъкидлашимиз керак.

#### 4. Терроризм нима, унинг қандай турлари ва шакллари мавжуд?

– **Терроризм** (лот. *terror* – қўрқув, даҳшат) – маълум ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиш, одамларни жисмоний йўқ қилиш ғоясига асосланган зўравонлик усули. Қўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир. *У иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, миллий, гуруҳий, индивидуал* шаклларда намоён бўлиши мумкин. Таъкиб, зўравонлик, қўпоровчилик ва қотиллик террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, у гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун терроризм қандай «байроқ» остида амалга оширилмасин, моҳиятан инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир.

Иқтисодий манфаатларни кўзловчи ва моддий бойликларни ўзлаштиришни мақсад қилиб олган террорчилик ҳаракатлари кенг тарқалган. Унда рақибларини ёки уларнинг яқинларини жисмоний йўқ қилиш, ўғирлаб кетиш, зўравонлик, тажовуз билан қўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказишга уриниш, бойликларини ўзлаштириб олиш усуллари кенг фойдаланилади.

Терроризм кишилик жамиятининг барча босқичларида содир бўлган ва бўладиган ноёб ҳодиса (феномен)дир. Масалан, диний мазмундаги террорчилик (Зардуштнинг ўлдирилиши), сиёсий терроризм Цезарнинг ўлдирилиши ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир. Ўрта асрда Шарқда ва Ғарб мамлакатларида си-

ёсий ва диний мазмундаги террорчилик аралашиб кетди. Чунки, ҳукмдор ҳам диний, ҳамда дунёвий ҳокимиятнинг қонуний эгаси ҳисобланган. Масалан, Муҳаммад с.а.в. вафотидан кейин ҳукмронлик қилган тўртта халифадан фақатгина Абу Бакир Сиддиқ (632-634)гина ўз ажали билан ўлган. Қолган халифалар Умар ибн Ҳаттоб (634-644), Усмон ибн Аффон (644-656) ва Али ибн Абу Толиб (656-661)ларнинг барчаси сиёсий муҳолифлар томонидан ўлдирилган. XVI-XVII асрларда Ғарбий Европада муқаддас «Инжил» ғояларига шак келтирганларни инквизиция (диний террор) ёрдамида даҳшатга солиб черковнинг жамиятдаги ҳукмрон мавқесини сақлаб қолишга жон-жаҳд билан уринишлар асосида диний мазмундаги террор («инквизиция») сиёсати амалга оширила бошланди. Бундан шу нарса маълум бўладики, террор сиёсати, терроризм давр руҳига мос келмайдиган ғояларни ҳаётга тадбиқ этишда ожиз қолган кучлар томонидан амалга оширишга ҳаракат қилинади. Демак, террорчилик – ожизлик белгиси, деб хулоса чиқариш мумкин.

XVIII асрда маънавий инқилоб, яъни диний маърифат ўрнига дунёвий маърифатнинг жамиятдаги ўрни кескин ўсиши натижасида дунёвий давлатларнинг черковдан мустақил, дунёвий мантиққа асосланган сиёсати қарор топиши билан сиёсий мазмундаги террорчилик кенг авж олди. 1789 йилги Француз инқилоби террорчиликни давлат сиёсати даражасига кўтарди. «Терроризм», «террорчилик» атамаси ўша даврда сиёсий мақсадларни амалга оширишнинг алоҳида услуб ва воситаси сифатида илмий-сиёсий мулоқотда кенг ишлатила бошланди.

Муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ўзида мужассамлаштирувчи мафкуралар тўла ҳукмронлик-

ка эга бўлган жамиятларда террорчилик давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланади.

XX асрда бундай террорчилик хуружларини фашизм ёки большевизмнинг давлат сиёсатида кузатиш мумкин. XX асрдаги миллий тазйиқ сиёсатини ҳам террорчилик сиёсатининг алоҳида кўринишлари сифатида талқин қилиш мумкин. Жанубий Африка республикасида то XX асрнинг 90-йилларига қадар олиб борилган апартеид сиёсати ёки XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг 70-йилларигача АҚШда қора танли фуқароларга нисбатан олиб борилган давлат сиёсатини ҳам террор сиёсатининг алоҳида кўринишлари эканлигини эътироф қилмоқ керак.

Агар ҳукмрон миллатнинг манфаатларигина ҳисобга олиниб, қолган барча кичик этник гуруҳларнинг миллий эҳтиёжлари инобатга олинмасдан ўтказиладиган тазйиқ сиёсати *миллий терроризмни* келтириб чиқарса, муайян синфларнинг манфаатлари ва иродаси қонун даражасига кўтарилиб, бошқа ҳар қандай ижтимоий гуруҳлар манфаатлари инкор этиладиган жамиятлар (масалан, буржуа диктатураси, пролетариат диктатураси)даги сиёсат эса *синфий террор* сиёсатининг алоҳида кўриниши сифатида намоён бўлади ва ҳ.к.

Ҳозирги пайтда, яъни XX асрнинг сўнгги чорагида терроризм алоҳида олинган давлат ёки минтақа доирасидан четга чиқиб, тобора халқаро миқёсда, уюшган ташкилот сифатида намоён бўлмоқда. Агар XX асрнинг 70-йилларида «қизил бригадалар» (Италия) бир мамлакат доирасида фаолият олиб борган бўлса, эндиликда инсоният тақдирини ҳал қилувчи ғояларга қарши муҳолиф ғоялар, таълимотлар атрофида уюшиб дунёвий тараққиёт келажагига катта хавф

солаётган ҳалқаро ташкилотга айланиб улгурди. Ҳозирги кунда жаҳонда 500 дан ортиқ турли хил халқаро террористик ташкилотлар, марказлар ва гуруҳлар мавжуд. «Ал-Қоида» халқаро террорчиллик ташкилотини бунга бир мисол қилиб олиш мумкин. Бу ташкилотнинг туб мақсади ва мафкураси дунёвий тараққий этаётган мамлакатлар, биринчи навбатда АҚШ, Европа мамлакатлари халқлари ҳаётига даҳшат уруғини сочиш орқали, мазкур халқлар ўз ҳукуматлари сиёсатига тазйиқ ўтказиб, уни Яқин Шарқ (Фаластин, Афғонистон, Ироқ) муаммосини ҳал этишда халқаро терроризм манфаатларига мос равишда ўзгартиришга эришишдан иборат. 1999 йил феврал, 2004 йил апрел, 2001 йил 11 сентябрида АҚШда ҳамда Испания, Туркия, Россия ва бошқа мамлакатларда 2004 йилда содир этилган даҳшатли террористик хуружлар шуни кўрсатмоқдаки, терроризм қандай байроқ кўтариб чиқмасин, қандай шиорлар билан ниқобланмасин, унинг реакцион, жинояткорона моҳиятини фарқлаб олиш, ёвуз ниятини очиб ташлаш онгли, ҳурфикрли инсоннинг, ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг бурчидир.

### 5. Ёш авлодни ким тарбиялаши керак?

– Юртбошимиз ёш авлодни тарбиялашда «Олимларимиз таълим-тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, болаларимиз тақдири учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиши, болаларимизни бундай ёвуз хавфдан ҳимоя қилишлари керак», де-йишининг сабаби олийгоҳ профессор-ўқитувчилари зиммасига улкан масъулият юкламоқда.

«Халқаро террорчи кучлар қа йтадан бирлашиб бош кўтараётган, ўта маккор ва ёвуз услубларни

қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан, минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу балога қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришни, бир ёқадан бош чиқариб, бундай уринишларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовуз ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни тақозо этмоқда», – деб таъкидлаган эди Президентимиз. «Бу курашдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак», – дея ушбу кураш эзгулик ва дунёвий тараққиётга отланган халқимизнинг барча қатламлари учун муқаддас бурчга айланмоғи лозимлигига тўхталиб ўтган эди. (Нутқ, 23-бет).

«Ҳамма билан беллашувга тайёр бўлган ёш авлодимизни *ким тарбиялайди? Фақат ўзимиз, ўзимизнинг миллатимиз, ўзбек халқи қилади бу ишларни. Мен мана шу даъватни халқимиз асло унутмаслигини истардим*» (Нутқ, 17-бет).

**Б. Терроризмнинг агрессив миллатчилик, диний экстремизм, халқаро жиноятчи гуруҳлар ва нарқобизнес билан яқинлигини тушунтириб беринг?**

— Террорчилик хуружлари бирон-бир давлатда миллий манфаатлар етарли даражада инобатга олинмай ўтказиладиган сиёсат натижасида миллий эҳтиёжлари қондирилмаган этник гуруҳлар томонидан мавжуд сиёсий тузимга бўлган муносабатларда содир бўладиган ижтимоий ҳодиса.

Алоҳида олинган давлатда, мазкур давлатга ўз номини берган миллат ёки этник бирликлар томонидан бошқа кам сонли этник гуруҳларга ўз иродасини тазйиқ орқали ўтказишга уруниш «Миллий террор сиёсати» сифатида баҳоланади. Ана шундай террор

(зўравонлик) сиёсатига қарши бошқа кам сонли миллатлар томонидан ўз миллий қадриятларини сақлаб қолишга бўлган интилиш мавжуд сиёсатга нисбатан норозилик кайфиятини туғдиради. Бу эса, илмий атам билан ифодаланса, агрессив (ашаддий) миллатчилик туйғусини шакллантиради.

Диний экстремизм – фақатгина муайян диний манфаатларни астойдил ҳимоя қилиб, бошқа ҳар қандай манфаатлар ва мафкураларни инкор этувчи, тор доирадаги манфаатларни ифодаловчи ғоялар билан иш кўрадиган ташкилотлар ёки мутаассиб кишининг мафжураси.

Ана шу мафкурага асосланган ҳаракатлар Шимолий Ирландия, Босния ва Герцеговина, Косово ва Яқин Шарқ мажораларида яққол намоён бўлмоқда.

Диний экстремизмнинг кучайишини ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида илмий-техника тараққиёти (ИТТ) ютуқларининг бутун дунёда эътироф этилиши туфайли диний дунёқараш дунёни англашнинг ягона шакли сифатида бутунлай четга суриб қўйилишидан даҳшатга тушувчи ўта мутаассиб диндорлар ашаддий ҳаракатларининг фаоллиги билан тушунтириш мумкин.

Демак, жамият тараққиётини таъминловчи асосий куч сифатида дунёвий фанлар тобора ҳал қилувчи аҳамият касб эта бошлади. Диний онг ижтимоий тараққиётни таъминловчи ягона куч сифатидаги мавқеини эндиликда дунёвийликка беришга мажбур бўлмоқда. Бу эса диний экстремистик хуружларнинг янада жонланишига сабабчи бўлмоқда. Диний экстремизмнинг янада ашаддийлашуви эса ўз навбатида терроризмни келтириб чиқарувчи асосий манбага айланмоқда.

Халқаро жиноятчи гуруҳлар билан терроризмининг манфаатларидаги муштараклик шундаки, улар барча мамлакат ва халқаро ташкилотларда қонундан ташқари (ноқонуний) деб эълон қилинган. Террорчилар ўзларига зарур бўлган портловчи моддалар ёки замонавий қурол-аслаҳаларни айнан халқаро жиноятчи гуруҳлар воситачилигида қўлга киритади. Шунинг учун улар ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашга мажбурдирлар.

Кейинги пайтларда наркобизнес билан халқаро жиноятчи гуруҳлар қўшилиб, халқаро синдикатларга бирлашиб ҳаракат қилмоқдалар. Чунки, наркобизнес билан шуғулланувчи жиноятчиларнинг миллати ҳам, эътиқоди ҳам йўқ бўлиб, улар учун ягона илоҳий қудрат пул, валюта ҳисобланади. Ҳозирги пайтда энг даромадли «бизнес» ҳисобланган наркобизнес жуда катта сармоя манбаига айланиб улгурди.

Шунинг учун халқаро террорчиларнинг ҳам асосий даромад манбаига айланган наркобизнес бор ерда, албатта, террорчи гуруҳларнинг яшаши ва фаолияти учун шарт-шароит туғилади.

Усома Бен Лоден маблағи билан ҳокимият тепасига келган толибонлар ҳукмронлиги даврида (1996-2001) Афғонистонда наркотик моддалар етказиш бир неча юз баробар кўпайди. Жанубий Америка чакалқорларидаги жангари террорчи гуруҳларга асосий вазифа қилиб наркотик моддалар етказиладиган майдонларни қўриқлаш ва уни қайта ишлаб, халқаро бозоргача чиқариб бериш масъулияти юклатилган.

**7. Экстремизм ва уни келтириб чиқарувчи омиллар нималардан иборат?**

– **Экстремизм** (лот. *Extremus* – ўта) – ижтимоий-сиёсий характердаги муаммоларни ҳал этишда ўта




кескин чора-тадбирлар, фикр ва қарашларни ёқловчи назария ва амалиёт.

**Экстремизм** мазмунига кўра – диний ва дунёвий, намоён бўлишига кўра – ҳудудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Экстремистик қарашлар жуда чуқур илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмаган, дин, миллат, ҳудудни тан олмаган. Дунёвий экстремизмнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий кўринишлари мавжуд бўлгани ҳолда, диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган. Диний экстремистик руҳдаги қарашларни католиклар, протестантлар, православлар орасида ҳам учратиш мумкин.

Диний экстремизм ислом оламида ҳам кенг тарқалган. Диний экстремистлар қаерда фаолият кўрсатмасин, асосий мақсади диний давлатни барпо қилиш бўлиб, бу мақсадга ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш ва зўрлик билан эришишни кўзтайдилар.

Бу эса, мустақилликка ҳам, жамият та раққиётига ҳам катта ғов ҳисобланади.

**Экстремизм** турли кўринишларда бўлиши мумкин – *болшевизм, фашизм, диний экстремизм* ёки, бошқача қилиб айтганда, бу тушунча жуда кенг маъноларга эга. Бунга ғоялар, ҳаракатлар, ташкилотлар, моддий ҳамда ташкилий гузилмалар ва уларнинг фаолиятларини киритиш мумкин. Лекин, энг муҳими, у терроризмни ўз ичига қамраб олади. Экстремизм қандай номланмасин ёки қандай кўринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гуруҳларни шакллантириш орқали ҳокимият тепасига келишдир. Шу ўринда Ислом фундаментализми тушунчаси ўз ичига барча ислом динига хос бўлган қадриятларни, урф-одатлар ва белгиларни қамраб олмайди. Бу тушунча



фақат ислом диний дунёқарашини ягона ҳақиқат манбаси деб тушунганлар ва бу ҳақиқатга етишишнинг ягона йўли эса сиёсий ҳокимиятга эришиш орқали жамиятни тўла шариат қонун-қоидалари асосида қайта ташкил қилиш мумкин, деб билувчиларнинг қарашларини қамраб олади.

*Ислом диний экстремизми ўзининг икки хусусияти билан ажралиб туради:*

1. Уларнинг ақидаларига кўра, гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва жоҳилия (исломдан аввалги) асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув ҳукумат ва унинг олиб бораётган сиёсатини танқид қилишга «асос» бўлиб хизмат қилади.

2. Улар гўё, «ҳақиқий» мусулмонлар. Ўзларининг ҳокимиятга келишлари учун барпо бўлажак «исломий тартибни» қарор топдиришнинг ягона йўли кескин ва агрессив ҳаракат қилишдир, деб ҳисоблайдилар.

Аслида, экстремизм ғояларининг Марказий Осиёга кириб келишидан кўзланган мақсад – диний қадриятларни қайтадан тиклаш эмас, балки ана шу ғоялардан восита сифатида фойдаланиш орқали минтақада беқарорликни, диний ва миллатла раро низоларни вужудга келтириш, пировард натижада ҳокимиятни қўлга киритишдан иборатдир.

Марказий Осиёдаги республикаларнинг ўз мустақиллигига эришиши ва унинг мустаҳкамланиши даврида «ислом омили», «ислом уйғониши», «қайта исломлашиш», «ислом феномени», каби иборалар тобора кўпроқ қўлланилиб, бу ҳол ўз навбатида диний экстремизмнинг беқиёс фаоллашувини ўзида акс эттира бошлади. Бунга сабаб эски тузумдаги мафкуравий тасаввурлар ва қадриятларнинг емирилиб, муайян вақт давомида ҳосил бўлган маънавий бўшлиқни тўлдириш

тарихий эҳтиёжга айланганлигидир. Коммунистик мафкура маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлиб, ўзига ҳос мутаассиблиги ва муйян миллатлар манфаатларига қарши қаратилганлиги билан шўро ҳокимиятидан кейинги маконда диний фундаментализм учун қулай шарт-шароит туғдириб берган эди. Собиқ иттифоқдаги ҳукмрон партиянинг намояндалари диний жамоаларни халқларнинг ақл-идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби деб ҳисоблаши диннинг пинҳониятга чекинishi ва ҳатто унинг муайян маънодаги муҳолиф кучга айланишига олиб келди. Ўша даврда диннинг таъқиб остида бўлиб келгани, ислом динининг энг салоҳиятли ула молари қатагон қилиниши, минглаб масжиду мадрасаларнинг бузиб ташланиши диний таассубни йўқотишга эмас, балки унинг илдизларини озиклантирувчи хатарли омилларнинг кучайишига олиб келди. Миллатлар орасида ўзликни англаш туйғуси, этник жиҳатдан насл-насабини излашга интилишлар беқиёс кучайди.

Кейинги йилларда юртимизда миллий ва диний қадриятларнинг тикланишига катта эътибор берилиб, бу эса ҳукуматимизнинг устувор сиёсатига айланди. Кўплаб диний байрамларга оммавий тус берилди, телевидение ва матбуот томонидан диний масалалар тез-тез ёритила бошланди. Фуқаролар ўртасида диний илмлар ва анъаналарга қизиқиш кучайди. Бундан фойдаланиб, баъзи ғаразли шахслар маълум манфаатлар эвазига чет элдан юртимизга суқулиб кирмоқчи бўлган экстремистик оқимлар «даъватчи»ларига айландилар. Улар хорижликлар томонидан истаганларича маблағ ва диний адабиётлар билан таъминландилар. Бу ҳаракатлар тезда ўз оқибатини кўрсатди. Фарғона водийси ва Тошкент шаҳрида уя қуриб олган «Ваҳҳобийлик» ҳаракати, мамлака-

тимизнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларига етиб боришга улгурган «Ҳизбут таҳрир» каби гуруҳларнинг кейинги йилларда Ватанимизнинг турли жойларида уюштирган фисқу фасод ҳаракатлари шундан дараж бермоқда.

## 8. Фанатизм – ақидапарастлик нима?

– *Ақидапарастлик* – муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллашга уриниш.

Бу атама фақат салбий маънода қўлланилиб, муайян олим ёхуд оқим томонидан баён этилган қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишни англатади. Масалан, XVII-XVIII асрларда механика фани ривожланган. Механикада қўлга киритилган ютуқлар баъзи олимларни оламдаги барча ҳодисаларни ҳам механика фани ютуқлари асосида изоҳлаш мумкин, деган нотўғри хулосага олиб келган. Айримлари ҳатто одамни ҳам оддий бир механизм сифатида тасвирлай бошлаган. Бундай ёндошув фанда «механицизм» номини олган бўлса-да, асли у ҳам ақидапарастликнинг ўзига хос кўриниши эди дейиш мумкин. Демак, у ёки бу ҳодиса, қоида, тамойилни мутлақлаштиришга асосланган ёндашувни ижтимоий ҳаётнинг истаган соҳасидан топиш мумкин.

Диний ақидапарастлик диндаги муайян ақида ёки қоидаларни, ўринли ёхуд ўринсизлигидан қатъи назар, кўр-кўрона қўллаш ва мутлақлаштиришга интилишдир. Ақидапарастлик барча динларда, турли мазҳаб ва йўналишларда учрайдиган ҳодиса бўлиб, меъёрдан ортиқча бўлган тақдирда эътиқодлар ва маф-

куралар орасида кескинлик, низо ва тўқнашувлар келтириб чиқаришга сабабчи бўлиши мумкин.

Ақидапараст гуруҳлар ҳақиқатни тушунтириш, ишонтириш каби усуллар орқали тарғиб этишни тан олишмайди. Улар ўз ғоялари бидъатли, ғайриинсоний бўлишига қарамасдан, ўта жоҳил ва бошқаларга нисбатан мурасасиз муносабатда бўладилар. Ўзини шак-шубҳасиз ҳақ деб билиш, ҳақиқатни фақат мен биламан, деган қарашга асосланган манманлик, зўравонликни юзага келтиради. Яъни ақидапарастлик экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Экстремизм турли кўринишларда бўлиб, террорчиликни ҳам ўз ичига қамраб олади. Экстремистлар қаерда фаолият кўрсат масин, ўзаро низолар, зиддиятлар, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш ва зўравонлик йўли билан ўз мақсадларига эришишни кўзлайдилар.

**Фанатизм** (франц. ибодат) – муайян ғояларнинг тўғри эканлигига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилганликни, ўзгача қараш ва ғояларга мурасасиз муносабатни ифодаловчи қарашлар ва хатти-ҳаракатлар тизими. Фанатизм, аввало, инсоннинг ҳиссиётларидан, бирор-бир нарсага ўта берилувчанлигидан келиб чиқади. Масалан, динга муккасидан берилиш ҳам фанатизмнинг бир белгисидир. Инсон ўзи қилаётган хатти-ҳаракатларини тўғри деб ҳисоблайди, айтилган ҳар қандай танбеҳ ва эътирозларни мутлақо тан олмайди. Бунда инсоннинг илмсизлиги ва жоҳиллиги намоён бўлади.

Фанатизм диний экстремизмнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Онги заҳарланган ёки фанатга айланган ёшлар қилаётган ишларини тўғри деб ҳисоблаган ҳолда, ўзларининг қабиҳ мақсадлари йўлида ҳар қандай ном ақбул ишлардан ҳам бош тортмайдилар.

Ваҳоланки, уларни бу йўлга бошлаган ва юқоридан турли топшириқларни бериб турган «раҳбарларининг» асл мақсади моҳиятан ғайриинсоний характерга эга. Зеро, Президентимиз ўзларининг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли асарларида таъкидлаганларидек, «Энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар. Бу эса исломнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга олиб келмоқда». Фанатизмнинг жирканч башараси 1999 йил 16 феврал ва 2004 йил март ойида бўлиб ўтган Бухоро вилояти ҳамда республика миз пойтахти Тошкентда содир бўлган қўпурувчилик ва хунрезлик воқеаларида янада ёрқин намён бўлди.

Умуман олганда, фанатизм ҳам диний экстремизм ва ақидапарастлик каби ғайриинсоний моҳиятга эгадир. Унга қарши фақат маърифат ва маънавият билан курашиш керак. Зеро, юртимиз ва халқимизнинг порлоқ келажагига маънавиятимиз, маърифатимиз ва миллий қадриятларимиз орқали эриша олишимизга ишончимиз комил.

## 9. Фундаментализм нима ва у қандай вужудга келади?

– Исломни асл ҳолида сақлаб қолиш учун ҳаракат қилиб, одамларни бир-бирига қарши қўяётган, қон тўкишни ташкил қилаётган, амалда ўзининг ҳузурҳаловатини ўйлаётган кимсаларни Европада фундаменталистлар, Марказий Осиёда ақидапарастлар ёки экстремистлар, деб атайдилар.

**Фундаментализм** асли лотинча сўз бўлиб, *асос* ёки *пойдевор* маъносини берса-да, *ақидапарастлик* ту-

шунчаси унга анча яқин келади. Бирон нарсанинг асоси, жумладан, диннинг асоси ёки пойдевори, маъноларини ўзида мужассамлаштиради. Фундаментализм барча динларга хос бўлиб, дин асли қандай бўлса шундайлигича сақлаб қолишга бўлган уринишдир. Шу ўринда диний дунёқарашнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни масаласига ҳам ойдинлик киритиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Диний дунёқараш ижтимоий тараққиётнинг нисбатан юқори поғоналарида вужудга келган ва инсоният ҳаётида ўта ижобий рол ўйнаган ижтимоий ҳодиса эканлигини ҳам эътироф этмоқ лозим. Хусусан, у дунё тўғрисидаги илк яхлит дунёқараш бўлиб, кишиларни эзгулик томон йўналтирувчи, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатларини умумлаштирувчи, жуда кенг ҳудудлар ва минтақаларда умумий маданиятнинг шаклланиши, айниқса, турли халқларда ягона ахлоқ нормаларининг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Ундан ташқари, диний дунёқараш қадимда ва ўрта асрларда дунёни аниқлашнинг ягона ҳукмрон шакли эканлигини ҳам қайд қилиш зарур. Лекин ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида вужудга келган ва ўз даври ижтимоий муҳит талабларига жавоб тариқасида қарор топган дунёқараш шакли, гарчи у «мангуликка дахлдор» деб даъво қилиб чиқилса ҳам, тараққиётнинг кейинги босқичларига хос бўлган талабларга жавоб бера олмай қолиши қонуният эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Ислом фундаментализми ҳозирги Исломдаги уч оқимдан (традиционализм ва модернизм билан бирга) бири. Бу оқим намояндалари ўзини диний уйғониш тарафдорлари, деб ҳисоблайдилар. Ислом фундаментализми-

нинг асосий ғояси – «соф ислом» принципларига қайтиш, мақсади – «исломий тараққиёт» йўлини жорий этишдан иборатдир.

**Фундаментализм** ибораси биринчи бор I жаҳон уруши арафасида вужудга келган *протестант тизим-даги ортодоксал* оқимларни ифодалаш учун ишлатилган. Бу оқим 1910 йилдан кейин шу ном билан атала бошлаган. Фундаменталистлар насронийликнинг анъанавий ақидаларига, айниқса, «Инжил»нинг мутлақо мукамаллигига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, уни сўзма-сўз шарҳлашга қатъий риоя қилишни талаб этдилар. Бу оқим кейинчалик Америкада кенг тарқалди. 1919 йили Филадельфияда Жаҳон христиан фундаменталистлари асоциациясига асос солинди. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб эса бу атама исломга нисбатан кенг қўлланила бошланди.

Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализмининг таҳдиди ақидапарастликни ёйиш, бу йўл билан мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга бўлган ишончини йўқотишга уринишда ўзини намоён этмоқда. Бундай гуруҳлар мустаҳкамланиб бораётган умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликка раҳна солишга ҳаракат қилмоқдалар. Демократия ва дунёвий давлат тушунчаларини, эътиқод эркинлигига асосланган кўп диний конфессияли дунёвий жамиятни обрўсизлантиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар.

## **10. Конституцион тузумнинг маъно-моҳиятини очиб беринг?**

– Конституцион тузум деганда бирон-бир давлат ёки мамлакагни ўз асосий қонуни (конституцияси), қонунлар мажмуаси, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлари асосида бошқариш тушунилади. Ҳозирги даврда ду-



ненинг 170 дан ошиқ мамлакатида Конституция мавжуд бўлиб, уларда сиёсий ҳокимиятни бошқариш иши айнан шу Конституция орқали амалга оширилади.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликка эришилгандан сўнг 1992 йил 8 декабрда янги Конституция ҳамда Олий вакиллик органи томонидан кўплаб қонунлар қабул қилинди. Уларнинг ёрдамида жамиятимизда давлат ҳокимиятини амалга ошириш, демократиялаш ва эркинлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда. Мамлака тимизнинг Конституциявий тузуми барқарор ва кучли ҳуқуқий асосга эгадир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш таъқиқланади», дейилган.

### 11. Миллат ва Ватан туйғуси деганда нимани тушунаси?

– Ватан ҳисси – шу Ватаннинг эгаси бўлиш, унинг қадрига етиш, нималарга қодирлигини тан олиш, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ – эгизак, муштарак тушунча. Ватан тушунчаси фалсафий маънода, кишининг туғилиб вояга етишида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган табиий ва ижтимоий муҳитдан ўзга нарса эмас.

Ватан — инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук маскандир. У аجدодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан — ота-боболаримизнинг хоки поклари жо бўлган, вақти соати етиб ҳар биримиз бош қўядиган муқаддас заминдир. Бундай қадриятни англаш ва авайлаш Ватан туйғусидан нишона.

**Миллат туйғуси** — бу ўз миллий қадриятлари, тарихи, маданияти, санъати, фани ва бошқа анъана, маросимларидан фахрланиш туйғусидир.

Биз ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга бир ҳақиқатни, яъни «Сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетақрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ», — деган тushунчани уларнинг қалбига, онгу шуурига сингдиришимиз даркор. Юртимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, тили, дини, миллатидан қатъи назар, шу заминдаги барча инсонларнинг ўзаро меҳроқибатли бўлиб яшаши, жамиятимизда ҳеч ким, биринчи галда, ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлган инсонлар ўзини ёлғиз сезмаслиги учун барчамиз ҳисса қўшишимиз керак. «Ўз уйингни ўзинг асра», — деган шиорнинг маъносини кенг ва чуқур англаб, гўзал ва бетақрор Ватанимизнинг тинчлигини, халқимиз осойишталигини кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур. (Нутқ 29-32 б.)

риисломий ҳаракатлар ҳам бўлиши мумкинлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Демак, дин – кишиларни меҳрмурувват, эзгулик ва гуманизм руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этувчи қадрият деб тушунилмоғи лозим.

### 13. Ислом оқимлари ва мазҳаблари ҳақида нима-ларни биласиз?

– Ислом дини жаҳон динларидан бири бўлиб, 7-асрда Арабистонда пайдо бўлган. Ислом арабчада – **игоат**, **бўйсуниш** маъноларини англатади.

Ислом икки оқим – **суннийлик** (92,5%) ва **шиаликжа** (7,5%) ажралади. **Суннийлик** оқимида тўртта диний ҳуқуқ (шариат) мазҳаблари мавжуд. Шулардан: **Ҳанафийлик**, **Моликийлик**, **Шофийлик**, **Ҳанбалийлик** ҳисобланади. Ҳанафий мазҳабига 8 асрда Абу Ҳанифа ан-Нуъмон асос солган. Ҳанафий мазҳаби асосан араб бўлмаган – Ажам халқлари орасида кенг тарқалган бўлиб жаҳондаги Суннийлар оқимига мансуб бўлган барча мусулмонларнинг 47,5%ни ташкил этади.

Ўрта Осиё мусулмонларининг мутлақ аксарият қисми ҳам Ҳанафий мазҳабига мансуб бўлиб, бу мазҳаб **Имоми Аъзам (Улуг Имом)** номи билан юритилади.

1. **Ҳанафий** мазҳаби шариат қонунлари Ажам халқларининг исломдан олдинги маҳаллий қадриятларини ҳам сақлаб қолишга, бошқа динга эътиқод қилувчиларга бағрикенглик тарзда муносабатда бўлиш, дунёвий илмлар равнақиға хайрихоҳлиги, муътадиллиги ва мослашувчанлиги, демократияға хайрихоҳлиги билан бошқа мазҳаблардан фарқ қилади.

2. **Моликий** мазҳабининг асосчиси Малик ибн Онас (721-795). Бу мазҳаб тарафдорлари шариат

## 12. Диннинг инсон камолотида тутган ўрни.

– Муқаддас ислом динимизда инсонни камолотга етакловчи ғоялар мужассамдир.

Ислом дини кишиларни атрофидаги бошқа одамларга меҳрибон ва раҳмли бўлишга, бир-бирига ёрдам беришга, ростгўй ва ғийбатлардан йироқ бўлишга, ҳатто ғайридин инсонларга ҳам ҳурмат кўрсатишга чақиради. У асл маънода тинчлик ва биродарликни тарғиб қилади. Буюк давлат асосчиси, бобокалонимиз Амир Темур ҳам мусулмон шарқидан насроний ғарбига ҳамкорлик ва тараққиёт мақсадида биринчилардан бўлиб қўл узатди ва улар билан дўстона алоқаларни олиб борди. У мулку мамлакат динсиз ерда барқарор туриши мумкин, аммо зулм бор ерда туриши мумкин эмас, деб ҳисоблаган.

Одам ўлдириш ва ўз-ўзини ўлдириш ислом динида катта гуноҳ ҳисобланади. Инсонларнинг руҳий вазияти ва муқаддас тушунчаларидан фойдаланган ҳолда, давлат ва жамиятга қарши олиб борилаётган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар замирида аслида исломдан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ҳокимиятга интилиш ва халқни пароканда қилиш ҳамда бошқа шу каби қабиҳ ниятлар ётади.

Ислом дини инсонларни илмли бўлишга чақиради. Чунки илм инсонни ҳар томонлама камолотга етакловчи йўлдир. «Чину Мочиндан бўлса ҳам илм изла», «Бешиқдан то қабргача илм изла», «Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир», – дейилади Ҳадиси шарифларда. Исломда илм икки дунё саодатининг калити ҳисобланади. Аслида исломда диний қадриятларни умуминсоний қадриятлар дарадасига кўтаришдек эзгу мақсадлар ётади. Аммо ислом байроғи остида қабиҳ ниятларда олиб борилаётган ғай-

**СУННИЙЛИК (аҳли сунна вал жамоа) мазҳаблари (92,5%)**

**Ханафийлик  
(47%)**

Абу Ҳанифа  
Нуъмон ибн  
Собит. (699-  
767).

Имом Аъзам  
(Улуғ Имом)

Эрон, куфа-  
лик. 55 марта  
ҳаж қилган.

Либерал

мазҳаб бўлиб,  
шаҳс эркини  
ҳурматлаган.

Миср, Сурия,  
Ливан, Ироқ,  
Иордания.

Фаластинда,  
Болқон,

Кавказ,  
Афғонистон,  
Покистон.

Ҳиндистон,  
Марказий

Осиё ва  
Хитойда тар-  
қалган. Энг  
кенг тарқалган  
мазҳаб.

**Моликийлик  
(17%)**

Молик ибн

Онас ал-  
Асбахий. (713-  
795). Арабис-

тон ярим  
ороли, Мадина-  
нада ривож  
топган.

Консерватив  
руҳдаги  
мазҳаб.

Марокаш,  
Жазоир,

Тунис, Ливия,  
Миср, Судан,

Баҳрайн,  
БАА, Қувайт-  
га тарқалган.

**Шофийийлик  
(27%)**

Муҳаммад  
ибн Идрис ибн  
Ал-Аббос ибн  
Усмон ибн  
Шофийий  
(767-820).

Фаластин

(Ғазза)да  
туғилган.

Мисрда вафот  
этган. У

Пайғамбар

аждоди

Ҳошимнинг

акаси ал-

Муталлиб

авлодидан.

Мисрда кенг

тарқалган.

Фаластин,  
Иордания.

Сурия, Ироқ,

Ҳижоз,

Покистон.

Ҳиндистон,

Индонезия,

Эрон ва

Яманда ҳам  
тарқалган.

**Ҳанбалийлик (1,5%)**

Аҳмад ибн Ҳанбал. (780-857). Бағдодда  
туғилган. Фундаментал мазҳаб. «Исломи  
бидъатлардан қутқарувчи» деб ном олган.

Бу мазҳаб ўзгаларга нисбатан кўпроқ ҳадис-  
ларга таянади ва қонун асослари жиҳати-  
дан фарқ қилади. Улар ҳадислар моҳияти-  
ни Қуръон оятлари мартабасигача кўтариш-  
ган.

**Ваҳобийлик**

Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб (1703-1792)  
XVIII асрда Марказий Арабистонда юзага  
келган. Ваҳобийлар дунёвий маданиятга  
қарши ханафийлик мазҳабини кофирлар  
мазҳаби деб эълон қилди. Сиёсий-фундамен-  
тал оқим. Исломи асл ҳолатига келтириш  
учун курашади. 1810 йилда Мадинадаги  
Муҳаммад пайғамбар масжидини талон-та-  
роҳ қилган.

**«Ҳизбут-тахрир ал-Исломий»**

Норасмий сиёсатлашган диний партия  
1953 йилда Исроилда пайдо бўлди. Асосчи-  
си Такиюддин Набаҳоний (1909-1979). Но-  
расмий сиёсийлашган диний-экстремистик  
партия. Дунёда мусулмон халифалигини  
ўрнатишни тарғиб қилади.

## ШИА

8 аср ўрталарида шаклланган (7,5%)

### «Исмоилӣ» VIII аср ўрталарида шаклланган.

Жаъфар ас-Содиқ ўғли Исмоил

Шиа йўналишининг Исмо-илий мазҳаби 8-аср ўрталарида шаклланиб, 10-11 асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган.

Ўрта аср мобайнида исмоилӣлар орасидан низорий (ҳашшоший), мустаълий, друз ва қарматлар ажралиб чиққан.

Ҳозирги даврда низорий мазҳаби Сурия, Эрон, Покистон, Афғонистон шимоли, Помирда, мустаълий мазҳаби эса Яман, Ҳиндистон, Покистон, Мисрда, друзлар Сурия ва Ливанда сақланиб қолган.

### «Жаъфарийлик» Жаъфар ас-Содиқ (765 ваф.эт.)

Жаъфарий мазҳаби шиа йўналишидаги диний-ҳуқуқий тизимга кириб, 12 имомга эътиқод қилувчи имомийларнинг асосий оқимидир. Имомийлар 6-имом Жаъфар ас-Содиқ (765 йил вафот этган)ни шиалик фиқҳ тизимининг асосчиси деб биладилар.

Эрон ва Ироқдаги шиалар ўртасида бу мазҳаб ҳозирда ҳам кучли таъсирга эга.

### «Зайдийлик» VIII аср ўрталарида шаклланган, Зайд бин Али.

Зайдий мазҳаби 8-аср ўрталарида шиаликда вужудга келган оқим бўлиб, у шиаларнинг 5-имоми Муҳаммад ал-Боқирнинг укаси Зайд бин Али номи билан аталган.

Зайдий мазҳаби намояндаларининг кўп қисми Яман аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилади. Шунингдек, уларнинг вакиллари Саудия Арабистони, Покистон ва бошқа давлатларда ҳам бор.

## ИСЛОМ

(1,3 млрд.)

### СУННИ ЙЛИК

(Аҳли сунна вал жамоа)

92,5%

Исломдаги изчил, собитқадам йўналиш ҳисобланади. «Сунна» арабча одат, хатти-ҳаракат деган маъноларни англатади. Суннийликда Сунна Қуръондан кейинги асосий муқаддас манба, ҳадислар тўплами, деб қаралади.

### ШИА (7,5%)

Шиалик «Гуруҳ», партия, тарафдорлар деган маъноларни берадиган арабча «шиа» сўзидан келиб чиққан. У VII асрнинг иккинчи ярмида муслмонларнинг махсус ва сиёсий гуруҳи сифатида юзага келган. У чорёрларнинг тўртинчиси Али тарафдорларини бирлаштирган. Улар Алини пайғамбар даражасига кўтариб, Қуръонга Али ҳақидаги II5-сураникири-тадилар.

ҳуқуқи масалаларида рационалистик методга, яъни Қуръоннинг сура ва оятларини, Ҳадисларни ақлга мувофиқ тарзда талқин қилишга қарши чиқади. Ҳозирги даврда бу мазҳабга амал қилувчилар Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия ва бошқа айрим мамлакатларда тарқалган.

**3. Шофий** мазҳаби дастлаб Сурия ва Мисрда шаклланган. Ўрта асрларда Яқин Шарқ минтақасида кенг тарқалган. Ўрта Осиёда ҳам хиваликлар то XVI асрларга қадар шу мазҳабда бўлганлар. Ҳозирги пайтда Миср, Индонезия, Шарқий Африка минтақаси, қисман Сурия, Арабистон ярим оролининг жануби ва Хитой мусулмонларининг бир қисми (Дунганлар) шофийлик мазҳабига амал қиладилар.

**4. Ҳанбалий** мазҳаби суннийликдаги бошқа мазҳаблардан ўта консервативлиги, ижтимоий муҳит талабларига ён бермаслиги ва ўта мугаассиблиги билан кескин фарқланади. Унинг асосчиси – Аҳмад ибн Ҳанбалдир (780-857).

**Шиалик** оқими суннийликдан баъзи белгилар билан фарқланади. Масалан, Шиаларнинг Қуръони 114 эмас, Балки 115 сурадан иборат бўлиб, охирги сура (115-чи) «Нур» сураси деб аталади. Унда Али ибн Абу Толиб улуғланади ва гўё у Муҳаммад (с.а.в.)дан кейин мусулмонлар жамоасининг етакчиси эканлиги ҳақида ваҳий қилинган, дейилади. Шунингдек, яна улар Муҳаммад (с.а.в.)дан кейин тўғри йўл тутган тўртта халифадан фақат Али ибн Абу Толиб тан олиниб, бошқа уchtасини рад этадилар ва ҳ.к.



**14. Содир этилган жиноятлар иштирокчилари ҳақида халқимизга, кенг жамоатчиликка қачон маълум қилинади?**

– Эл-юртимизга қарши қаратилган бу қабих, ақлга сиғмайдиган розолатни ким ташкил этгани, бу ишга ким раҳнамолик қилгани, маблағ ва қурол билан таъминлангани, уни амалга ошириш учун кимлар жалб қилингани, бу қўпоровчиликни уюштириш учун улар қаерда, ким орқали ва қайси йўл билан, қайси лагер ва полигонларда тайёргарлик кўргани ҳақида тергов ўз хулосасини чиқаради ва суд бу жиноят бўйича сўнги нуқтани қўйганидан кейингина халқимизга, халқаро жамоатчиликка маълум қилинади.

**15. «Халифалик» ҳақида тушунчангиз?**

– «Халифа» сўзининг луғавий маъноси – ўринбосар, терминологик маъноси мусулмон жамоаси ва мусулмон давлатининг диний ҳамда дунёвий бошлиғи, деб тушунилади. Халифалик давлати тарихда ҳукм сурган давлатлардан бўлиб, Арабистон ярим оролида ташкил топган ва бу давлат шариат қонун-қоидалари орқали бошқариладиган сиёсий тизимдир.

Бугунги кунда «Ҳизбут-таҳрир» диний ташкилати тарихда ҳукм сурган халифалик давлатини қайтадан қуришга ҳаракат қилмоқда. Бу мутлақо мантиққа зид қараш бўлиб, минг йиллик тарихни қайтадан тиклашга уринишдан бошқа нарса эмас. Тарихий тараққиёт қоидаларини, давр, ижтимоий-сиёсий жараёнлар қонуниятларини теран тушунган ва қарашлари мутлақо шахслар бундай ақидаларга мутлақо ишонмайдилар. Агар халифалик давлати қуриш мумкин бўлса, у Арабистонда қайтадан қурилган бўлар эди. Бугунги кунда араб давлатлари ҳам ўз тараққиёт йўлини белгилаб олганлар ва улар халифалик қуришга даъвогар эмаслар.

Халифалик қуришга интилиш бу – сиёсий ҳокимиятни қандай йўл билан бўлмасин қўлга киритишни мақсад қилиб олишдан иборат.

**«Халифаликлар қачон бўлган? Халифаликлар қайси минтақа ва ҳудудда, қайси даврда ва қайси асрларда бўлгани ва тарихда қолганини ким билмайди?»** (Нутқ, 11-бет).

«Мараз ва қабиҳ ниятли кучлар узоқни кўзлайдиган дастур ва режаларга эга. Улар ўз таъсирига тушган кишиларнинг миясини заҳарлаш мақсадида соғлом ақлга сиғмайдиган ғояларни, шу жумладан, «Ҳизбуттаҳрир» оқимида кенг тарқалган халифалик қуриш даъватларини ишлатади. Нима эмиш, барча мусулмон динига мансуб халқлар халифалик деб ном олган ва битта халифа бошқарадиган ягона диний давлатга бирлашиб, бизнинг асосий қомусимиз – Конституция ва қонунлар ўрнига, ўрта асрларда ҳукм сурган ақида ва одатларга итоат қилиш асосида яшаб, кун кўришимиз керак эмиш. Тарихдан маълумки, халифаликни тузиш у ёқда турсин, икки мусулмон давлатини бирлаштириш, мисол учун, ўтган XX асрнинг 50-йилларида Миср давлатининг Сурия ва Ливия каби араб мамлакатлари асосида ягона давлат қуриш ҳаракатлари нима билан тугагани барчамизга аён». (Нутқ: 10,16 бетлар)

**16. Фожиали воқеалар ҳақида гапирганда қайси учта муҳим масалага эътибор қаратиш лозим?**

– «Бугун биз ана шу фожиали воқеалар ҳақида гапирар эканмиз, мен учта муҳим масалага эътиборингизни жалб қилишни, буларга жавоб топишни зарур деб биламан. Бу ёвуз ҳаракатлар кимга қарши ва нимага қарши қаратилган? Ва уларнинг охир-оқибат мақсади нима?

Битта масала барчамизга аён бўлиши керак. Бу портлашларни кўр-кўрона бажарган, онги паст, калтабин, мияси заҳарланган ижрочилар бор. Шунингдек, буларни уюштириб, ўз халқига қарши жиноятга йўллаган ташкилотчи ва раҳнаمولари ҳам борки, уларни бир-биридан ажратиш, ҳар қайсисига алоҳида баҳо бериш зарур.

Фақат мана шундай кўз билан қараб, бу воқеаларнинг таг-томирига етиб боришимиз, Ўзбекистонни, унинг мақсад-муддаоларини кўролмайдиган, кўп йиллардан буён юртимизга қарши қўпоровчи-террорчилик ҳаракатларини олиб бораётган кучлар ва марказларни, уларнинг разил қиёфасини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз, узоқни кўзлаган манфур ниятларини тушунишимиз мумкин». (Нутқ: 6-7 бетлар)

#### **17. «Жиҳод» атамасини тушунтириб беринг?**

– «Жиҳод» арабча «жиду-жаҳд» сўзидан олинган бўлиб «Саъй-ҳаракат», – деган маънони билдиради. Ислом шароитида «ўз нафсини ёмон ишлардан қайтариш» ва «хайрли амалларга йўналтиришни» англатади. Шариат нуқтаи-назаридан ҳам бугунги кунда бунга эҳтиёж йўқ. Лекин ёвуз ниятли манфур кимсалар «жиҳод»ни нотўғри талқин қилиш билан бирга ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар.

#### **18. «Шаҳидлик» деганда нимани тушунасиз?**

– «Шаҳид» сўзи арабчада дин йўлида жангда ҳалок бўлган киши ёки шахсга нисбатан ишлатилади. Ислом эътиқоди шаклланишининг дастлабки даврларда «Шаҳид» атамаси (ёки тушунчаси) ўз эътиқодини ўзи тасдиқлаш (ёки иқрор бўлиш) мазмунида тушунилган. Яъни ўз эътиқодининг чинакам эканлигига, мустаҳкам эканлигига шаҳидлик (гувоҳлик) бериш, иқрор бўлиш маъносида ишлатилган. Жиҳод уруш-

ла рида ҳалок бўлганлар ҳақиқатан ҳам иймони, этиқоди мустаҳкам эканлигининг тасдиғи сифатида қўлланилган.

Шаҳидлик ислом тарихида жиҳод ва ғазоват ниқоби остида олиб борилган босқинчилик урушларига илоҳий тус беришга хизмат қиладиган сиёсат ва мафкуравий тарбиянинг ажралмас қисмига айлантирилди.

Ҳозирги пайтда дунёвий тараққиёт йўлида ривожланишни мақсад қилиб қўйган кўпгина мамлакатларнинг сиёсий йўлини ўз мақсадлари томон ишлатишда, террорчиларни маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида «дин йўлида» ўзини ва бегуноҳ мусулмонларни нобуд қилган маразларни ҳам ўлганидан сўнг шаҳид бўлишига ишонтирмоқдалар. Шаҳидлар асосан онги паст, фикр доираси ниҳоятда тор, мутаассиб кишилар орасида учрайди ва улар диндан сиёсий мақсадларни кўзлаган кимсалар (террорчилар)нинг даҳшат солувчи қуролига айлантириладилар.

### **19. Биз қандай ҳаёт қуришга интилмоқдамиз?**

– «Биз жаҳондаги барча эзгу ниятли, тараққийпарвар халқлар ва миллатлар билан ҳамжиҳат бўлиб, нафақат Ғарб давлатлари, балки Япония, Жанубий Корея, Малайзия каби ривожланган Шарқ мамлакатларида бўлганидек эркин ва фаровон ҳаёт қуришга интилмоқдамиз». (Нутқ: 8 бет.)

### **20. Бузғунчи ва бунёдкор ғояларни ўз тушунчангизда ифодалаб беринг?**

– «Аслида, менинг назаримда, одамнинг қалбида иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади», – деб таъкидлаган эдилар Президентимиз И.Каримов.

Ғоя ва мафкуранинг тарихий шаклларини, мазмун-моҳиятини азал-азалдан эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш белгилаб келади, яъни босқинчилик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажовузкорлик, ақидапарастлик мафкураларига қарама-қарши ўлароқ, озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари узлуксиз майдонга чиқиб, халқларнинг музаффар байроғига айланган. **Бунёдкорлик ғоялари** инсонни улуглайди, унинг руҳига қанот бағишлайди. **Бунёдкор ғоялар** тараққиётга хизмат қилади, жамият ва инсонни эзгуликка ундайди. **Бунёдкор ғояларга**: озодлик ва мустақиллик, тинчлик ва адолат, тенглик ва ҳамкорлик, дўстлик ва бирдамлик, ҳурфикрлик ва маърифатпарварлик, бағрикенглик ва халқпарварлик, ватанпарварлик ва инсонпарварликни мисол қиламиз.

**Вайронкор (бузғунчи) ғоялар** эса халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтиради. Бунга олис ва яқин тарихдан кўшлаб мисоллар келтириш мумкин. Инсон ва жамият бор экан, эзу ғояларнинг зидди бўлган зулм ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат янги-янги шаклларда намоён бўлишга уринади. Лекин улар одамзотнинг адолат, тинчлик ва биродарлик, тараққиёт ва фаровонлик ғояларига таяниб, олий мақсадлар сари интилишларини асло тўхтата олмайди. **Вайронкор ғоялар** жамият, халқ ва давлатларнинг таназзулига сабаб бўлади, ғайриинсоний мақсадларга хизмат қилади. **Вайронкор ғояларнинг** мазмун-моҳиятини, мақсад-муддаоларини билиш ниҳоятда муҳим. Бу фуқаролар, айниқса, ёшлар учун бузғунчи ғоялар хавфини англаш, ўзларида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун зарур билимларни эгаллашга ёрдам беради. **Вайронкор ғояларга**: мустабидлик ва босқинчилик, террорчилик ва ақидапарастлик, жаҳолатпарастлик ва ирқчилик, миллатчи-

лик ва маҳаллийчилик, беватанлик ва ёвузлик мисол бўла олади.

## **21. Бизнинг танлаган йўлимиз кимларга ёқмайди-ю, кимларга ёқмайди?**

– Мустақил Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлига эга. Ҳаётнинг ўзи Ўзбекистонликларнинг танлаган йўли тўғрилигини тасдиқламоқда. Бу йўлни халқимиз ўз ихтиёри билан танлаган ва уни бу йўлдан ҳеч қандай куч қайтара олмайди. Осойишта турмушимизни бузишга қаратилган, бир тўда разил жинойтчиларнинг фитна ва қўпоровчилик ҳаракатлари ўз йўлида тараққиёт сари одимлаётган халқимиз онгини ўзгартира олмайди. Уни ўз имони, эътиқодидан чалғита олмайди. Биз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этмоқдамиз. Миллий истиқлол мафкураси асосида миллий истиқлолнинг асосий ғоялари амалга оширилмоқда. Улар: юрт тинчлигини таъминлаш ва асраш; халқ фаровонлигини таъминлаш; комил инсонни тарбиялаш; Ватан равнақини таъминлаш ва юксалтириш; ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш; мамлакатлараро ва миллатлараро тоғувликни таъминлаш; динлараро бағрикенгликни шакллантиришдир.

Ҳозирги кунда бизнинг танлаган йўлимиз қуйидаги кимсаларга ёқмайди:

1. Ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларни янги империяга бирлаштиришга уринаётган экстремист, ақидапарастларга.

2. Тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринаётган фундаменталистларга.

3. Ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси билан яшаётган фанатларга.

4. Ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилаётган қора кучларга.

5. Турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можа роларни келтириб чиқаришга интилаётган турли террористик ҳаракатларга.

6. Дунёвий тараққиёт йўлига, демократик тамойиллар асосида эркин фуқаролик жамиятини қарор топдиришга қарши бўлган қора ниятли кишиларга.

Танлаган йўлимиз Ўзбекистоннинг ўтмиши, бугуни ва ёрқин келажагига ишонган тинчликсевар ва тараққиқларвар сиёсатни ёқлаб чиқувчи кишилар, жаҳон ҳамжамияти томон йўналишни, дунёвий тараққиётни ҳамда демократик қадриятларни мамлакатимиз ҳаётига жалб қилишни қўллаб-қувватловчи аксарият фуқароларимиз томонида н изчил ҳимоя қилинади ва ёқлаб чиқилади.

22. «Ҳизбут-таҳрир» диний, сиёсий партияси ҳақида нима дея оласиз?

– «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» («Ислом озодлик партияси») норасмий сиёсийлашган диний партия 1953 йилда Исроилда пайдо бўлди. Унинг асосчиси Мисрдаги «Ал-Азҳар» университетини тамомлаб, Қуддус шаҳрида шаръий шикоят судининг аъзоси лавозимида ишлаган шайх Таҳиюддин Набаҳоний (1909-1979) бўлиб, Иорданиядаги «Ал-ихвон ал-муслимин» («Муслмон биродарлар») диний-сиёсий экстремистик ташкилоти раҳбарларидан бири эди («Ал-Мавсуа» 107-бет, Ар-Риёд). Ақидада ихвонлар билан келиша олмай, бу жамоадан ажралиб чиқиб, ўз қарашларини қуйидаги рисолаларида баён қилади: «Ислом низоми», «Исломий оламга қайноқ нидола», «Ҳизбут-таҳрирнинг тушунчалари» ва бошқалар.

Партия пирамида шаклида таркибий тузилма кўринишида ташкил топган. «Дорис»лардан таркиб

топган «ҳалқа»даги 4-5 киши гуруҳ раҳбари – «мушриф»дан сабоқ оладилар. Таълим ҳафтада камида 1 маротаба ўтказилиши шарт. Ҳалқа аъзолари бир-бирларини фақат исми ёки таҳаллуси орқали биладилар. Ташкилотга аъзо бўлаётган номзод ҳар қандай шароитда ҳам ҳизб фаолияти ҳақидаги маълумотни сир сақлаш ҳақида қасам ичади. Минтақавий раҳбар – «муътамад», бутун дунё бўйича «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» ҳаракати раҳбари, яъни «амир» томонидан белгиланади ва вилоят даражасида ишлайдиган «масъул» ҳамда туман миқёсида фаолият кўрсатувчи «мусоид»га раҳбарлик қилади. Туманлар ҳам алоҳида ҳудудларга бўлинади ва 4 мушрифдан иборат «нақиб» раҳбарлик қилувчи «маҳаллий жиҳоз»ни ташкил этади. Нақиб ўзига ёрдамчи «ноиб» ва пул тўпловчи «табарруъ»ни тайинлайди. Маҳаллий жиҳоз 1 ойда камида 1 маротаба тўпланади. Партиянинг ҳар бир аъзоси ўз имкониятлари ва асосий меҳнат фаолияти даромади ҳисобидан 5-20% миқдорда солиқ тўлаши мажбурийдир.

Тўпланган пул маблағи турли техника жиҳозлари, алоқа воситалари, харид қилиш ҳамда бошқа хизмат ҳақларини қоплаш, хориждан келтиралаётган адабиёт, аудио-видео кассеталар ва уларнинг таржимаси учун ҳақ тўлашга сарфланади.

Бугунги кунда партияга Фаластиннинг Халил шаҳрида туғилган Абдулқадим Заллум раҳбарлик қилмоқда. Мазкур диний ташкилот фаолияти 1982 йилда сезиларли даражада жонланди. Ташкилот раҳбарларининг асосий қисми Ғарбий Европа давлатларида фаолият олиб боради. Партия филиаллари Миср, Иордания, Тунис, Қувайт ҳамда Туркияда тарқалган.

«Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» диний ташкилоти ҳам Ваҳҳобийлар каби давлат сиёсий бошқарувига



аралашшига, ҳукуматни тўнтариш йўли билан қўлга киритиб, ислом давлати ўрнатишга интилади. Халифаликни тиклашга даъват этади: «Мусулмонлар учун битта халифа сайлашга ҳаракат қилмаслик гуноҳи кибиралардандир. Чунки бу нарса исломнинг энг муҳим фарзларидан бирини бажаришдан тийилишдир», дейишади улар.

«Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» ташкилоти ўз олди-га қуйидагиларни мақсад қилиб қўяди:

- тинч, осойишта давлатда фуқаролар урушини бошлаш;

- мамлакат иқтисодий фаолиятини издан чиқариш;

- миллатлар ва динлараро низоларни келтириб чиқариш;

- мамлакатга қурол-аслаҳа ва наркотик моддаларни олиб кириб, фуқароларнинг тинч ҳаётига раҳна солиш;

- мустақил давлатни қурол-аслаҳа ишлаб чиқарувчи хорижий мамлакатларга қарам қилиш.

«Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» ташкилотининг асосий назарий мақсади икки йўналишни ўз ичига олади:

**1. Сақофий.** Партия аъзолари ислом ниқоби остида экстремистик ғоялар билан йўғрилган, ғаразли тушунтириш ишларини олиб борадилар ва ўз ғояларига етиш учун кишиларнинг онгида ўз партиялари ҳақида тушунча уйғотишга ҳаракат қиладилар. Бунда улар ҳар бир шахснинг фикрлаш доирасига қараб ўз таълимотларига даъват этадилар.

**2. Сиёсий.** Жамиятда бўлаётган вақтинчалик қийинчиликлар, табиий офатларни рўқач қилиб кўрсатиб, агар исломнинг саҳиҳ ҳукмлари бўлганда эди, бундай ҳодисалар рўй бермас эди каби фикрлар билан мутаассиб мусулмонларни ишонтириш орқали

ғараз ниятларини амалга оширишни кўзлайдилар. Яъни ҳужумлар фикрларга қаратилмоғи лозим, натижада бу ҳужум фикрий курашга, фикрий кураш ўз навбатида, фикрий инқилобга олиб боради. Фикрий инқилобнинг орқасидан эса ҳукм, низом ва бошқа алоқаларни ўзгартириб юборадиган сиёсий инқилоб келади. Мана шу вазифани адо этган авлоднинг ўзи ҳокимиятга келади.

Бу мақсадларни амалга ошириш ҳамда оламда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳизбнинг муносабатини билдириш учун партия 1989 йилдан бошлаб «Ал-ваъй» («Онг») номли ойлик журнални турли тиллардаги таржимаси билан давомий чиқариб келмоқда. Хусусан мазкур журналнинг ўзбек тилидаги 140 дан ошиқ сони мамлакатимизда махфий равишда тарқатилганлиги маълум.

«Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» диний ташкилотининг кураш босқичлари:

**1. Тасқиф** – тушунтириш ишлари. Онги тўлиқ шаклланмаган ёшларни ўз тузоғига илинтириш. Фикри заиф, таъсирга берилувчан ҳуқуқ-тарғибот органлари, ҳокимиятлардаги масъул шахсларни ўз тарафига оғдириш.

**2. Тафоул** – биргаликда ҳаракат қилиш, фикрий кураш орқали «Умматнинг оёққа туриши, фикрий онглилиги ва келажак масалаларини идрок қилишга эришиши» йўлида фикрий инқилобга етишиш.

**3. Инқилоб** – тўнтариш, ҳукуматни яратилган уммат орқали қўлга киритиш.

«Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» аъзолари ҳам бошқа диний экстремистик ташкилотлар каби мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, ҳокимиятга келишга интиладилар ягона сиёсий, иқтисодий ва ҳудудий кенглик – халифалик давлатини қуриш уларнинг асосий ва сўнгги мақсадлари ҳисобланади.

«Ҳизбут-таҳрир»нинг расмий фаолият кўрсатиши араб давлатларида таъқиқланган. Ушбу партиянинг Иорданиядаги масъули шайх Аҳмад ад-Даур 1969 йили ҳукуматни эгаллашда айбланиб қатл этилган. Шунингдек, партиянинг 32 аъзоси Мисрда судланганлиги маълум. *(Зухриддин Ҳусниддинов. Ислом: йўналишлар, мизҳаблар, оқимлар. Т., «Мовароуннаҳр», 2000. 46-49-бетлар)*

### 23. Фаннимларимизнинг асосий нияти нима?

– Ўзбек истонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бу гун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказишдан иборатдир. Булар ўз мақсадларига эришиш учун одамларни, аввало, содда, билими ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини чалғитишга уринади. Уларни муқаддас динимизга, унинг асл қадрият ва бойликларига бўлган қизиқиш ва интилишларидан фарзлиятларда фойдаланади. Охирги тўрт-беш йил давомида тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, бундай мараз ва қабих ниятли кучлар ва марказлар жуда чуқур ўйланган, катта маблағ билан таъминланган, узоқни кўзлайдиган дастур ва режаларга, шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, энг замонавий восита ва имкониятларга эга. Улар, ўзининг таъсирига тушган кишиларнинг миясини заҳарлаш мақсадида, ҳеч қандай соғлом ақлга сиғмайдиган бузғунчи ақида ва ғояларни, шу жумладан, «Ҳизбут-таҳрир» оқимида кенг тарқалган халифалик қуриш даъватлардан унумли фойдала-

надилар. Барча мусулмон динига мансуб халқлар халифалик деб ном олган ва битта халифа бошқарадиган ягона диний давлатга бирлашиб, бизнинг асосий Қомусимиз – Конституция ва қонунларимиз ўрнига, ўрта асрларда ҳукм сурган ақида ва одатларга итоат қилиш асосида яшаб, кун кўришимиз керак деб ишонтиришга ҳаракат қиладилар. Лекин, шуни унутмаслигимиз керакки, ҳеч қайси давлат, жаҳоннинг қайси қиъъасида жойлашганидан қатъи назар, бутун дунё бозори ва халқаро ҳамжамиятдан ажралган ҳолда ва замон талаб қилаётган халқаро қонунларга итоат қилмасдан туриб, ўз келажagini қура олмайди. Бу – ҳақиқат ва у исботлангандир.

#### **24. Германия ва Япония жаҳон майдонига нима ҳисобига чиқди?**

– «Бу давлатларда аввалом бор халқ бирлашди. Миллий гуруҳ, миллий ифтихор, эртанги кунга мустаҳкам ишонч пайдо бўлди», – деб алоҳида таъкидлаб ўтди Президентимиз. (Нутқ: 16 бет)

Дарҳақиқат, Германия XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам Европанинг энг қолоқ мамлакати сифатида қайд қилинар эди. Герман халқи буюк мақсадларга эришиши учун 2 та муҳим тўсиқни бартараф этиб ўтиши зарур эди.

Биринчиси – феодализмга хос бўлган мафкуранинг ўрнига дунёвий билимлар билан суғорилган ва Герман халқини дунёвий тараққиётга тайёрлаб берадиган, шунингдек, буюк герман халқининг идеалларини ўзида акс эттирувчи миллий мафкурани шакллантира олган эдилар. Бу мафкура немис классик фалсафаси бўлиб дунёга келган эди.

Иккинчиси – буюк Германия тўғрисидаги орзуларнинг аматга ошишига герман халқининг тарқоқлиги халақит берар эди.

Германияни бир миллат таркибига бирлаштириш ва шу аснода буюк Герман цивилизациясини яратиш кун тартибига қўйилган эди.

Биринчи масалани ҳал этишда дунёвий тафаккурни шакллантириш ва бутун герман халқини дунёвий тараққиёт руҳида тарбиялаш жараёни Германия буюклигининг маънавий ифодаси бўлиб шаклланган эди. Герман тафаккурининг ўзига хослиги яна шундаки, у тарқоқ немис халқини ҳар қандай ғоялар асосида эмас, айнан мантиқ изчиллигига мос келувчи ғоялар атрофида бирлаштира олганлигида кўринди.

Немис халқининг ўзига хос қадриятлари ва ўзигагина хос дунёни англаш тажрибаси билан инсониятнинг муштарак манфаатларини мужассамлаштира олганлиги ва бу тажрибаларни миллат тараққиётининг асосига қўя олганлиги сабабли XIX асрнинг биринчи ярмида қолоқ мамлакатдан, аср охирида Европа тараққиётининг авангардига айланган эди. Немис халқига хос яна бир фазилат ўз фаолиятларини мақсадга мувофиқлик томон йўналтира олиш ва ўта меҳнаткашлик ҳисобидан бундай юксак тараққиётга эриша олган эдилар.

Япония XIX асрнинг сўнги чорагида дунёвий тараққиёт йўлига кирган бўлса ҳам, лекин уларнинг давлат мафкурасида шарқона мустабидликка хос элементлар кучли тарзда сақланиб қолган эди. Буларни биз синтоизмни умумяпон миллатининг манфаатларини ифода этувчи ягона мафкурага айлантирилганлиги ва император шахсини илоҳийлаштирилиши натижасида ўта марказлашган ҳокимият тизимининг шаклланишда кўрамиз ва бу Япониянинг XX аср ўрталаригача дунёвий, демократик давлат бўлиб шаклланишига халат берди.

Япониянинг дунё тараққиётидаги ҳозирги мавқега эга бўлиши учун зарур энг муҳим омил уларнинг миллий руҳида, миллий анъанасида ўз аксини топганлигидадир.

Миллий онг ва тафаккурнинг қандай мазмунда эканлигига ва унинг дунёвий тараққиётига мос келиши даражасига қараб миллатнинг шу бугунги ҳолатини аниқлаш мумкин.

Демак, миллатга хос белгилар, анъаналар, урф-ода т ва маросимлар қай даражада дунёвий тараққиёт мезонларига мос келиши ёки келмаслиги саралаб олинади ва миллат тараққиётининг асосига қўйилади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай миллатга хос бўлган анъана, урф-одатлар муқаррар тарзда миллий мерос тушунчаси остига киради. Лекин ана шу миллий мероснинг миллатнинг кейинги дунёвий тараққиётига хизмат қила оладиган қисми *миллий қадриятлар* сифатида эъозланиши зарур. Ўзбек халқи ҳам Германия ва Япония тажрибаларини умумлаштириб олган ҳолда дунёвий тараққиёт асосларини яратишдек буюк мақсадни ўз олдига қўяр экан, бутун одамлар бир тану бир жон бўлиб ишлаши, ҳаракат қилиши зарур.

**25. Мараз, қабиҳ ниятли кучлар ва марказлар қандай дастур ва режаларга эга?**

— «Булар ўз мақсадларига эришиш учун одамларни, аввало, содда, билими ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини чалғитишга уринади. Уларни муқаддас динимизга, унинг асл қадрият ва Бойликларига бўлган қизиқиш ва интилишларидан ғаразли ниятларда фойдаланади. Охирги тўрт-беш йил давомида тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, бундай мараз ва қабиҳ ниятли кучлар ва марказлар жуда чуқур ўйланган, катта маблағ билан таъминланган, узоқни кўзлайдиган дастур ва ре-

жаларга шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, энг замонавий восита ва имкониятларга эга. Улар, Ўзининг таъсирига тушган кишиларнинг миясини заҳарлаш мақсадида, ҳеч қандай соғлом ақлга сиғмайдиган бузғунчи ақида ва ғояларни, шу жумладан, «Ҳизбут-таҳрир» оқимида кенг тарқалган халифалик қуриш даъватларини ишлатади» (Нутқ, 10-11-бетлар).

Бундай сохта, замирида ҳеч қандай асос бўлмаган сафсаталар ҳақида гапирганда, аввало, бугун биз ХХI асрда яшаётган имизни эсдан чиқармаслигимиз керак. Ва ҳозирги ўта мураккаб, шиддат билан ўзгариб, тараққий топаётган, компьютер ва телекоммуникация даврининг минг йиллар олдин маъжуд бўлган шароит ва вазиятдан ер билан осмонча фарқи борлигини оддий одам ҳам тасаввур қила олади.

**26. Ислом дини ниқоби остидаги зўравонликлар ҳақида айтиб беринг?**

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 61-моддасида аниқ кўрсатиб қўйилган: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар! Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди». Энди ислом дини ҳақида гапирадиган бўлсак, унда ноҳақ ҳақорат қилиш, бировнинг мулкига хиёнат қилиш, бировга зиён етказиш қораланади.

Ҳозирги вақтда баъзи бир сиёсий кучлар, диний экстремистик оқимлар ўзларининг қабиҳ ниятларини амалга ошириш мақсадида кенг омманинг онига таъсир қилиш учун диндан фойдаланишга ҳаракат қилиб келмоқдалар.

«Биз жаҳондаги барча эзгу ниятли тараққийпарвар халқлар ва миллатлар билан ҳамжиҳат бўлиб, нафақат Фарб давлатлари балки, Япония, Жанубий Ко-

рея, Малайзия каби ривожланган Шарқ мамлакатларида бўлганидек дунёвий эркин ва фаравон ҳаёт қуришга интилоқдамиз» (Нутқ, 8-бет).

Асосий мақсадимиз мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимиз, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашдан иборат.

## **27. Халифалик тузишга интилиш тарихда қандай натижа берган?**

– Тарихдан маълумки, қайтадан халифалик тузиш у ёқда турсин, икки мусулмон давлатини бирлаштириш ҳаракатлари ҳам фожиа билан тугаган. Мисол учун, ўтган XX асрнинг 50-йилларида Миср давлатининг Сурия ва Ливия каби мамлакатлари билан бирлашиб, ягона давлат қуриш йўлидаги уринишлари қандай яқун топгани ҳаммамизга маълум. Бугунги кунда 30 га яқин араб мамлакатлари алоҳида суверен давлат сифатида ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Халифалик тўғрисидаги ғоя улар учун ҳам мантиқсиз ва асоссиздир. (15-саволнинг жавобига қаранг!)

## **28. «Ҳизбут-таҳрир» каби диний оқимлар ўз сафига кимларни тортаяпти?**

– «Ўзларини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси деб атайдиган халқаро ташкилотларнинг вакилларида шундай бир қараш бор: нима эмиш, «Ҳизбут-таҳрир» оқими вакиллари – бу тинч ҳаётни кўзлайдиган, адолатга интиладиган, мусулмончилик тарафдори бўлган одамлар эмиш.

Бу масалада барчамиз огоҳ ва сезгир бўлишимиз даркор. «Ҳизбут-таҳрир» каби диний оқимлар аҳолининг ичида, маҳалла ва қишлоқларда ташвиқот иши-



ни бошлаб, ўз сафига аввало ёшларни тортаётган пайт-да найранг ишлатиб, ўзини мусичадек беозор, фақатгина адолат ўрнатиш тарафдорлари, деб кўрсатишга уринади. Лекин тажриба шуни тасдиқлаётганики, улар кўчга кирганда ўзининг ҳақиқий қиёфасини кўрсатади.

Ўз сафидан жангариларни майдонга чиқариш учун ҳар томонлама замин тайёрлаб турган бу оқим вақти-соати келганда, ҳокимиятни, қонуний тизимни ағдариш мақсадида тинч ҳаётни бузиб, ур-йиқит, портлатиш, қон тўкишдек мутлақо зўравонлик ва тажовузкорлик ҳаракатларига ўтиши ҳеч гап эмас. Бундай оқимлар ва уюшмаларнинг низоми ва қоидалари кимки уларнинг қараш ва ғояларини қабул қилмаса ёки уларга кўнмаса, буларнинг пешонасига «кофир», «диндан қайтган» деган тамғани босиб, уларга қарши жиҳод эълон қилиш, ҳатто ота-онасидан ҳам воз кечишни талаб қилади» (Нутқ, 14-15-бет).

Демак, Президентимиз таъкидлаганидек, «юртимизга қарши бундай тажовуз ва қўпоровчилик хуружларини ташкил қилиш нияти билан ёрган кучларнинг тузоғига тушганларнинг аксарияти биринчи навбатда оилада ҳам, мактабда ҳам жиддий таълим-тарбия олмаган ёшлардир. Улар ижобий маънодаги ворислик, яъни авлоддан авлодга ўтиб борадиган ибратли анъаналардан йироқ, муҳити носоғлом бўлган оилаларда ўсган, омади юришмаган, ҳаётда ўз ўрнини топмаган, жамият эътиборидан четда қолган ўсмирлардир. Уларнинг кўпчилигини ҳатто ўрта мактабни битиришга ҳам ақл-идроки, кучи етмаган кимсала р ташкил қилади». (Нутқ: 24-25 бетлар)

**29. Ҳозирги вақтда терроризм тажовузидан ўзини холис ҳис қиладиган қайси давлатни биласиз?**

*«Ҳозирги вақтда терроризмнинг тажовузидан ўзини холи ҳис қиладиган бирорта қитъа ёки давлатнинг ўзи йўқ. Худди вабо сингари ер юзининг кўплаб мамлакатларига ёйилиб бораётган бу бало-қазо эртага кимни нишонга олишини ҳам олдиндан айтиш қийин.*

Буни кейинги пайтда жаҳоннинг қатор мамлакатларида, жумладан, Туркия ва Саудия Арабистонида, Индонезия, Россия, Испанияда ва кучи кеча Сурияда влатида содир этилган террорчилик хуружлари ҳам тасдиқлайди.

Бизнинг юртимизда рўй берган қўпоровчилик ҳолатлари ҳам ана шу халқаро террорчилик ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ, деб айтишга барча асослар бор.

Шу борада ҳаммамиз бир муҳим фикр ва сабоқни яхши англаб олишимиз даркор. Биз ўз олдимизга қўйган буюк ва эзгу мақсадларга эришиш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажариш аввало ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг жипслигига, кучли иродасига боғлиқ.

Халқаро террорчи кучлар қайтадан бирлашиб бош кўтараётган, ўта маккор ва ёвуз услубларни қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан, минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу балога қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришни, бир ёқадан бош чиқариб, бундай ури нишларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовуз ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни тақозо этмоқда.

Бу курашдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

Шуни яна бир Бор таъкидлаб ўтишни зарур, деб биламан: «бу машъум офат мени четлаб ўтади» ёки «сен менга тегма – мен сенга тегмайман», деган хомхаёлларнинг умри узоқ бўлмайди. Бундай қараш ва сиёсатларнинг охири вой бўлиши муқаррар». (Нутқ: 22-24 бетлар)

**30. Терроризм хавфининг олдини олиш имкониятлари ва истиқболлари нималардан иборат?**

– Терроризм (террорчилик) XX асрнинг сўнгги чорагида глобал муаммолар сира сидан ўрин эгаллади ўз навбатида у инсониятнинг дунёвий тараққиёти ва келажагига жуда катта хавф солаётганлигининг гувоҳимиз.

Бу хавфга қарши курашнинг ўзига хос йўллари ва усулларини шакллантириш энг муҳим масалага айланмоқда.

«Айни замонда, – дея қайд қилиб ўтган эди Президентимиз, – барчамиз бир тану бир жон бўлиб, терроризм ва экстремизм хавфига қарши қатъият билан кураш олиб боришимиз, «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шиорнинг маъносини кенг ва чуқур англаб, гўзал ва бетакрор Ватанимизнинг тинчлигини, халқимиз осоишталигини кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур».

Ҳар қандай глобал муаммоларни бартараф этиш учун: 1) инсониятнинг барча қатламлари ва гуруҳлари муайян муштарақ манфаатлар асосида жипслашиши зарур; 2) инсониятнинг барча тараққиёт босқичларида тўпланган тажрибаларга асосланган ҳолда ўз тараққиёт йўлини белгилаб олиш; 3) инсониятнинг муштарақ манфаатлари қолган ҳар қандай манфаатлардан устуворлигини эътироф этиш; 4) мантиқ талабларига мос, тажриба синовида тасдиқланган ил-

мий-фалсафий билимларни ўз тараққиётининг асосига қўйиш каби тамойилларга амал қилиб, уддасидан чиқиш мумкин.

Террорчилик халқаро миқёсга айланган экан, унга нисбатан ҳам глобал муаммоларни бартараф этишда қўлланиладиган тамойиллардан фойдаланмоқ зарур. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, дунёвий тараққиёт, жаҳон ҳамжамияти атрофида жипслашиш жараёнига қарши бўлган мутаассиблик, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва терроризм ўзаро ҳамкорликда иш кўришга фаоллик билан киришганлар. Улар, дунёвийлик ва демократик тамойилларга қарши бўлган ҳар қандай мафкурани, сиёсий ва ижтимоий кучларни қўллаб-қувватлашни ўзларининг бош ҳаракат тамойилига айлантirmoқдалар. Агар биз мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат асосига фақат миллий манфаатлар ва уларнинг устуворлигини қўйсақ, Миллий эгоизм (Миллий маҳдудлик)га йўл очиб берган бўламиз. Миллий эгоизм инсониятнинг умумий манфаатларига зид бўлиб, унинг кейинги ривожини фашизмнинг тақрорланиш ҳавфини келтириб чиқаради.

Ёки аксинча, ҳар қандай давлат сиёсатининг асосига умуминсониятнинг муштарак манфаатлари устуворлиги қўйиладиган бўлса, унда Миллий нигилизм руҳининг (яъни миллий урф-одат ва қадриятларга менсимаслик руҳиятининг) шаклланишига олиб келиши мумкин.

Буларнинг ҳар иккиси ҳам терроризм тегирмонига сув қўйишга олиб келиш эҳтимолини кучайтиради. Ижтимоий адолатни тиклаш, турли манфаатларни инobatга олиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосига қўйилган сиёсат ҳар қандай тер-

рорчилик хур ушларнинг олдини олишга имкон туғдиради.

## Фойдаланилган адабиётлар:

Каримов И.А. «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас продасига боғлиқ». Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқ. Т., «Ўзбекистон», 2004 йил 29 апрел.

Азизхўжаев А.А. «Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар». Т., «Академия», 2001.

Аббосхўжаев О. «Мустақиллик нега муқаддас?» «Халқ сўзи» 2004 йил 10 август.

Шарифхўжаев М. «Истиқлолнинг ойдин йўли». «Ўзбекистон овози» 2004 йил 21-24 август.

«Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат)». Т., «Янги аср авлоди», 2002.

Ҳусниддинов З. «Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар». Т., «Мовароуннаҳр», 2000.

Абдуазимхўжа Шерзод ўғли. «Пайкон ўзинг, қалқон ўзинг...». «Халқ сўзи» 2004 йил 5 май.

Эргашев И. «Ўзбекистондаги демократик жараёнлар: уйдирма ва ҳақиқат». «Халқ сўзи», 2004 йил 18 май.

Абдуллажонов О. «Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши». Т., 2000.

Саифназаров И.С. «Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият». Т., «Шарқ», 2001.

Тоҳир Карим. «Миллий тафаккур тараққиётидан». Т., «Чўлпон», 2003.

Мухторов А. «Шахс тарбиясида миллий гоё, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги». Т., «Янги аср авлоди», 2003.

ИЗОҲ ВА ҚАЙДЛАР УЧУН

---

*Ижтимоғий-сиёсий нашр*

**ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ  
ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КАФОЛАТДИР**

Нашрга тайёрловчилар:  
**И.САИФНАЗАРОВ, Т.КАРИМОВ, А.МУХТОРОВ**

Муҳаррир: Санжар НАЗАР  
Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ  
Мусаҳҳиҳ: Маъсуда ХУДОЁРОВА  
Техник муҳаррир: Вера ДЕМЧЕНКО  
Компьютерда саҳифаловчи: Екатерина НАЗАРОВА

ИБ № 3947

Босишга 7.09.2004 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.  
Босма тобоғи 1,75. Шартли басма тобоғи 2,94.  
Адади 10000 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.  
Буюртма № 204.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.  
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.  
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қаторгол кучаси, 60.